## ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, «ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНУНГА АСОСАН:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги - Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият шисобланади.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| № | Худуд | Телефон ракам |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси ИИВ | 1102 |
| 2. | Тошкент шаҳар ИИББ | (+99871) 233-49-46 |
| 3. | Тошкент вилояти ИИББ | (+99871) 266-67-22 |
| 4. | Самарканд вилояти ИИБ | (+99866) 231-11-11, (+99866) 233-11-11 |
| 5. | Сирдарё вилояти ИИБ | (+99867) 235-04-10, (+99867) 235-04-11 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | (+99872) 226-03-02, (+99872) 226-04-34 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 0(436) 229-50-22, 0(436) 229-50-23 |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | (+99865) 224-21-03 |
| 9. | Фарғона вилояти ИИБ | (+99873) 244-36-22 |
| 10. | Андижон вилояти ИИБ | (0374) 225-64-59 |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | (0-369) 227-08-80, ((0-369) 227-06-60 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | (0-376) 222-04-02, (0-376) 227-37-92 |
| 13. | Қашқадарё вилояти ИИБ | (+99875) 221-88-66, (+99875) 221-66-45 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | (+99862) 226-37-10, (+99862) 226-25-63 |
| 15. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | (+99861) 222-56-11, (+99861) 222-56-76 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИҚЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ

# ОГОҲЛАНТИРАДИ!

***ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ ҚУРБОНИГА АЙЛАНМАНГ!***




Тошкент-2023 йил

## ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!



Одам савдоси куч бнлан тахдид килиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошка мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, хокимиятни суиистеьмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш оркали ёхуд бошка шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш оркали одамлардан фойдаланиш максадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳисобаланади.



## Одатда одам савдоси билан шуғулланувчилар:

* Яхши иш ҳақи тўланадиган ишларни;
* Ҳужжатларни расмийлаштириб беришни;
* Йўл ҳақи ва йўл харажатларни ўз зиммасига олишни

ВАЪДА ҚИЛАДИ.



## БУНИНГ УЧУН:

- Иш таклиф этувчи ва иш берувчи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинг!
- Давлат чегараларини қонуний асосда кесибўтинг!
- Чет давлатда бўлиш қоидаларига амал қилинг!
- Иш берувчи билан албатта меҳнат шартномасини тузинг!
- Паспорт, миграция картаси ва йўл ҳужжатларини ҳеч кимга берманг!
- Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатга тушганларга ёрдам берувчи ташкилотларнинг рақамларини олишни унутманг!

## Одам савдоси—аср муаммоси!

Одам савдоси – куч билан тахдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.



## Оилангизни асранг!

Кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган айрим иллатлар — оилавий ажрашишлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Айниқса, ажрашишлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий ташвиш уйғотади. Республикамизнинг учта вилоятида олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, оилалар барбод бўлишига қуйидаги омиллар асосий сабаб бўлмоқда:

Психологик омил — оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралашишлари, ёш эр-хотинларни бегоналаштириб қўйиш, бир-бирига бефарқлик;

Ижтимоий омил — ичкиликбозлик, фарзандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яхши эмаслиги;

Маънавий-ахлоқий омил — эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

Иқтисодий омил — тураржой шароитларининг қониқарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзларни узолмаслик.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| № | Ҳудуд | Телефон рақам |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси ИИВ | 1102 |
| 2. | Тошкент шаҳар ИИББ | (+99871) 233-49-46 |
| 3. | Тошкент вилояти ИИББ | (+99871) 266-67-22 |
| 4. | Самарқанд вилояти ИИБ | (+99866) 231-11-11, (+99866) 233-11-11 |
| 5. | Сирдарё вилояти ИИБ | (+99867) 235-04-10, (+99867) 235-04-11 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | (+99872) 226-03-02, (+99872) 226-04-34 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 0(436) 229-50-22, 0(436) 229-50-23 |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | (+99865) 224-21-03 |
| 9. | Фарғона вилояти ИИБ | (+99873) 244-36-22 |
| 10. | Андижон вилояти ИИБ | (0374) 225-64-59 |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | (0-369) 227-08-80, (0-369) 227-06-60 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | (0-376) 222-04-02, (0-376) 227-37-92 |
| 13. | Қашқадарё вилояти ИИБ | (+99875) 221-88-66, (+99875) 221-66-45 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | (+99862) 226-37-10, (+99862) 226-25-63 |
| 15. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | (+99861) 222-56-11, (+99861) 222-56-76 |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

**ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ**

# ТАВСИЯЛАРИ

*Оила жамият ва давлат ҳимоясида!!!*



Тошкент-2023 йил

# Оила - муқаддас!

Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия масканидир.

Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадини рўёбга чиқармоқда. Зеро, оилада шаклланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Бинобарин, оналар чеҳрасидаги қувонч, мамнунлик ва шодумонлик ўша оилада тинч, фаровон ҳамда барқарор ҳаёт мужассам эканидан дарак беради.

«Одам бахтлиман дейишга қанчалик ҳаққи бор? Агар оиланг билан сен бахтли бўлсанг, бахтлиман дейишга ҳаққинг бор. Фақат оилам эмас, халқим бахтли бўлса мен ўзимни бахтли деб биламан», — дея таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев.

«Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, аввал амбор қаерда ишлашидан қатъи назар, ким бўлишидан қатъи назар агар оилада тарбия, оилада муҳит, оилада ҳалоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор бермаса, ҳеч қачон натижа бўлмайди. Шунинг учун мен фарзандларимнинг тарбиясига жуда катта эътибор бераман. Ҳар бир фарзандимга ҳам, неварамга ҳам алоҳида ўзимнинг муносабатим бор. Ҳар бир неварамнинг алоҳида характерини биламан, орзусини, истагини биламан», — дейди у.



# Оила — бу бахт саройи!



Инсон ўз ҳаётида ҳамма вақт оилага, ватанга, дўст-бродарларига содиқ бўлиб яшаши керак. Оилага содиқ бўлмаслик одамда шу хонадондан, қариндош-уруғларидан узоқлаштиради. Биз юқорида оилани митти мамлакатга ўхшатдик. Ҳар қандай мамлакатнинг бошлиғи бўлганидек, оиланинг ўз бошлиғи бўлади. Одатда, оила бошлиғи бу отадир. Ота бўлмаган оилада она, ота ва она бўлмаган оилада эса катта ака, опа ёки оила аъзолари томонидан тан олинган киши бошлиқ саналади. Оила бошлиғи ким бўлишидан катъий назар, унинг сўзлари шу оила аъзолари учун қонун бўлмоғи керак. Оила бошлиғининг хурмати жоида бўлиб, ўз оила аъзоларига муносиб раҳбарлик қила олсагина, оилада тартиб –интизом, мехнат ва ором, ўзаро хурмат ва одоб-ахлоқ булади. Оила мустахкам ва обро-эътиборли булиши учун, оила бошлигининг обрў-эътибори ўз ўрнида бўлиб, оиланинг иқтисодий ахволини, унинг даромадини ва буромадини туғри ташкил қилмоғи лозим. Оилада нималар етиштиришни, қандай даромат олишни, уни қандай сарф қилишни яхши билиши, оилада аъзолари ўртасидаги иноқликни таъмин этиши ва уларнинг тарбияси учун ғамхўрлик қилиб бориши зарур.

Инсон болаликдан бошланади ва аста – секин вояга етиб боради, мустақил оила қуради. Ҳар бир ота -она ўз фарзандини вояга етиши, унинг уйли-жойли бўлиб, мустақил оила қуришини орзу қилади. Мустақил оила қуриш, ота-она бўлиш ҳар бир ўғил қиз учун шарафли вазифадир. Оила қураётган ҳар бир ёш оила хаётга хар тарафлама ақлий ва жисмоний жихатдан тайёр булмоғи керак.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОИЛА КОДЕКСИ

2-модда. Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

19-модда. Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар.

22-модда. Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир.

59-модда. Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.*



## Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари

Ота-онага яхшилик қилиш деганда асосан қуйидаги ишларни адо этиш тушунилади:

– Ота-она хизматларини холис ният билан қилиш;
– Ота-онани яхши кўриб улуғлаш;
– Шариатда ман қилинмаган ишларда доимо уларга итоат этиш;
– Ота-она хурсанд бўладиган ишларни қилиш;
– Ота-онадан олдин овқатланмаслик;
– Ота-онанинг ҳузурига киришда ҳам, чиқишда ҳам салом бериш;
– Ота-онанинг олдида овозини баландлатмаслик;
– Ота-она учун молини сарфлаш;
– Ота-она яхши кўрадиган кишиларга ҳам яхшилик қилиш;
– Сафарга ота-онанинг дуоларини олиб чиқиш;
– Ота-она шариатга мувофиқ қасам ичган бўлсалар уни адо этиш учун ҳаракат қилиш;
– Ота-онанинг жаҳллари чиқадиган ишларни қилмаслик;
– Ота-онани исмлари билан чақирмаслик;
– Ота-онани камситадиган ишлардан сақланиш;
– Ота-она вафот этганларидан сўнг ҳам уларнинг ҳақларини сақлаш.

Вафот этиб кетган ота-оналарнинг ҳақларини сақлаш қуйидаги ишлар билан амалга оширилади:
– Улар ҳаққига хайрли дуолар қилиб юриш;

•Васиятларини адо этиш;

•Уларнинг дўстларига яхшилик қилиб юриш;

•Улар орқали бўлган қариндошлик алоқаларини сақлаш;

•Улар номидан садақа қилиб туриш;

•Уларнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш.

Парвардигоро ота-она яхшилик қилишдек саодатни бизларга ҳам, фарзандларимизга ҳам доимо кўзларимиз қувончи қилгин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| № | Ҳудуд | Телефон рақам |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси ИИВ | 1102 |
| 2. | Тошкент шаҳар ИИББ | (+99871) 233-49-46 |
| 3. | Тошкент вилояти ИИББ | (+99871) 266-67-22 |
| 4. | Самарқанд вилояти ИИБ | (+99866) 231-11-11, (+99866) 233-11-11 |
| 5. | Сирдарё вилояти ИИБ | (+99867) 235-04-10, (+99867) 235-04-11 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | (+99872) 226-03-02, (+99872) 226-04-34 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 0(436) 229-50-22, 0(436) 229-50-23 |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | (+99865) 224-21-03 |
| 9. | Фарғона вилояти ИИБ | (+99873) 244-36-22 |
| 10. | Андижон вилояти ИИБ | (0374) 225-64-59 |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | (0-369) 227-08-80, (0-369) 227-06-60 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | (0-376) 222-04-02, (0-376) 227-37-92 |
| 13. | Қашқадарё вилояти ИИБ | (+99875) 221-88-66, (+99875) 221-66-45 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | (+99862) 226-37-10, (+99862) 226-25-63 |
| 15. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | (+99861) 222-56-11, (+99861) 222-56-76 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ

# ТАВСИЯЛАРИ

*Ота-онангизни ва яқинларингизни ҳурмат қилинг ҳамда қадрига етинг!!!*



Тошкент-2023 йил

# Ота-она мўътабар, уларни эъзозлаш ҳар бир фарзанднинг виждон олдидаги бурчи



Оила-турмуш доирасида содир этилаётган нохуш холатлар асосан ака-укалар, фарзандлар ўртасидаги қариндошлик ришталарининг узилиб, мерос, мол-мулк талашишлари, арзимас сабаблар билан ўзаро келишмовчиликлари оқибатида, энг дахшатлиси фарзанднинг ўз ота-онасига қўл кўтариши натижасида келиб чиқмоқда.

Ота-оналаримиз мағизларини бизга бериб, ўзлари пўчоққа айландилар. Уларнинг сочларини қорга айлантирган - биз! Дилларига озор тўлдирган - биз! Улар кета- кетгунча бизга термиладилар. Бир бора йўқлашимизни интиқлик билан кутадилар.

Биз эса гуёки дунёнинг ташвишлари билан банддек ота-онамизнинг ёнида ўтиргани жуда бўлмаганда хафтасига бир соатгина вақт тополмаган номард - биз!

Ётлар билан соатлаб дардлашиб, ота-онамиз билан шошилиб саломлашиб, шошилиб хайрлашиб. қандай қилиб уларнинг борса-келмасга кетиб қолганини билмай қолганга ғафлатийлар- биз!

Ҳайит-арафаларда сахармардондан биринчи онагни йўқла, кейин бошқаларни, чўнтагинг кўтарган энг яхши нарсани ота-онанга тортиқ хил. Онанг асло совға кўрмаса ҳам, совға келтирмасликни тайинласа ҳам, хеч қачон хузурига ҚУРУҚ борма! Фарзанднинг қўли узатган неъмат ота-онага жаннатдай рохат бера-ди.

## ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ – БЕБАҲО ФАЗИЛАТ

*Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.*

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан)*

**Ҳар бир инсон фарзандининг зиммасидаги энг асосий бурчларидан бири шубҳасиз ота-онага нисбатан ҳурмат-эхтиром саналади. Муқаддас оят ва ҳадисларда бу масалага такрор ва такрор мурожаат қилинган. Бу борада буюк аждодларимизнинг ҳам жуда кўп ўгит ва насиҳатлари бизгача етиб келган. Бироқ, ота-онанинг қадрияга етмайдиганларлар ҳар доим, ҳар замонда учраб туради.**

Она минг ёмон феъллик, ота минг ёмон отлиқ бўлсин, ҳамма улардан юз ўгириб кетсин, **аммо фарзанднинг бундай қилишга ҳаққи йўқ!** Наинки унинг манглайида отаси фалончи, онаси писмадончи деган ёзув бор! Уни Оллох битган. Ота бир қанот, она яна бир қанот бўлмаса, фарзанд отлиқ қушча қайдан келарди?!

Азиз фарзанд, яхшию ёмон, сендан узоғу яқин бўлган отангдан яшаб бораётган ҳар бир кунинг учун қарздорсан. Сендан воз кечиб кетган бўлса-да, хеч йўқ кафтида бир марта дон узатмаган номард бўлса-да, аммо унинг “Шу фарзандим қаерда бўлса ҳам омон юрсин” деб Оллохдан сўраб қўйган жойи бўлса, сен ундан қарздорсан. Балки унинг шу дуоси билан бор бўлиб юргандирсан.

Ота-онанинг яхши ёмонлигидан қатъий назар, фарзандлари учун қилган дуоларини ҳақ йулига олади Худойим!





Ҳадиси шарифларда ҳам ота-онанинг фарзанд зиммасидаги ҳақлари бор экани, уларга риоя қилиш – фарзандни улкан ажрга эга қиладиган улуғ ибодат экани таъкидланган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай баён қилинади:

яъни: Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурига бир киши келиб: “*Эй, Аллоҳнинг Расули! Одамлар ичида менинг чиройли муомаламга энг ҳақли киши ким?*” – деб сўради. “***Онанг***”, – дедилар У Зот. “*Кейин ким?”*, – деб сўради. “***Онанг***”, – дедилар У Зот. “*Кейин ким?”*, – деб сўради. “***Онанг***”, – дедилар У Зот. “*Ундан кейин ким”*, – деб сўради. Шунда “***Отанг***”, – деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

Аллоҳ таоло Ўзининг розилигини ота-онанинг розиликларига боғлаб қўйди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

яъни: “***Аллоҳ таолонинг розилиги** – **ота-онанинг розилигида, Унинг ғазаби эса** – **ота-онанинг ғазабидадир***” (*Имом Табароний ривояти*).

Демак, Аллоҳ таолони рози қиламан деган киши – ота-онасини рози қилсин, Аллоҳни ғазабидан қўрққан киши – ота-онасини ранжитишдан қўрқсин.

Аллоҳ таоло барчамизни ота-онасини рози қиладиган фарзандлардан қилсин! Ота-оналаримизни тани-жонларини саломат қилиб, узоқ йиллар дуогўйимиз бўлиб юришларини насиб қилсин! Омин!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**
**“ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”**



# Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган. **Қонуннинг мақсади** хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**ЗЎРАВОНЛИК** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

# Зўравонлик турлари

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- жинсий зўравонлик
- жисмоний зўравонлик
- иқтисодий зўравонлик
- руҳий зўравонлик



**ТАЗЙИҚ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

**тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс.

# ҲИМОЯ ОРДЕРИ

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Тегишли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан **24 соат ичида** ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

## Мурожаат қилинг!



## ЎҒРИЛИК-

Аллоҳ таоло айтади: **«Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар!** (Токи бу) **уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, Аллох томонидан берилган азоб бўлсин. Аллох кудрат ва ҳикмат эгасидир»** *(Моида сураси, 38-оят).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Зинокор зино қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида зино қилади. Ўғри ўғирлик қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ўғирлик қилади. Ичувчи хамр ичаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ичади. Бироқ тавба ҳали ҳам таклиф қилингандир» *(Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).*

Оиша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Махзум қабиласидан бўлган бир аёл қарзга нарса олиб уни қайтармас, тан олмас эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлини кесишни буюрдилар. Аёлнинг қариндош-уруғлари Усома ибн Зайднинг олдига келиб, у билан гаплашишди. Усома Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга аёл ҳақида гапирган эди, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Усома, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳадларидан биронта ҳад борасида ҳам ўртага тушганингни кўрмайин», дедилар. Сўнг туриб одамларга қарата шундай хитоб қилдилар: «Албатта, сизлардан олдин ўтганлар агар ораларида шарафли, обрўли киши ўғирлик қилса афв этиб, заиф киши ўғирлик қилса, қўлини кесганлари сабабли ҳалок бўлганлар. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар ўғри Муҳаммаднинг қизи Фотима бўлганида ҳам, албатта, қўлини кесган бўлардим». Кейин ўғри аёлнинг қўли кесилди» *(Аҳмад, Муслим, Насоий ривояти).*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| № | Ҳудуд | Телефон рақам |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси ИИВ | 1102 |
| 2. | Тошкент шаҳар ИИББ | (+99871) 233-49-46 |
| 3. | Тошкент вилояти ИИББ | (+99871) 266-67-22 |
| 4. | Самарқанд вилояти ИИБ | (+99866) 231-11-11,<br>(+99866) 233-11-11 |
| 5. | Сирдарё вилояти ИИБ | (+99867) 235-04-10,<br>(+99867) 235-04-11 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | (+99872) 226-03-02,<br>(+99872) 226-04-34 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 0(436) 229-50-22,<br>0(436) 229-50-23 |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | (+99865) 224-21-03 |
| 9. | Фарғона вилояти ИИБ | (+99873) 244-36-22 |
| 10. | Андижон вилояти ИИБ | (0374) 225-64-59 |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | (0-369) 227-08-80,<br>((0-369) 227-06-60 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | (0-376) 222-04-02,<br>(0-376) 227-37-92 |
| 13. | Қашқадарё вилояти ИИБ | (+99875) 221-88-66,<br>(+99875) 221-66-45 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | (+99862) 226-37-10,<br>(+99862) 226-25-63 |
| 15. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | (+99861) 222-56-11,<br>(+99861) 222-56-76 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ

# ОГОҲЛАНТИРАДИ!

*Диққат “ЎҒРИ”, мулкингизни ишониб унга топширманг ва унга алданиб қолманг!!!*



Тошкент-2023 йил

# Диккат "ЎҒРИ", мулкингизга хушёр бўлинг!



Ўзга шахсларнинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилишликда ифодаланган "ўғрилик" жинояти асосан қуйидаги холларда содир этилмокда, шу сабабли Сиздан қуйидаги холларга эътиборингизни каратишингизни ҳамда ўғрилик жиноятини жабрланувчиси бўлиб қолмаслигингизни сўраймиз.

Инсонлар ўзларига берилган қимматли умрни беҳуда ишлар билан ўтказишлари дуруст эмас, албатта. Лекин орамизда баъзи бир одамлар борки, вақтларини зое кетказиб, қимматли умрларини гунох ишларга сарф этадилар. Маст қилувчи ичимликларни ичиб, талончилик, бузғунчилик ва ўғирликка қўл урадилар. Юзларидан ҳаё пардаси кўтарилиб, ор-номусдан айриладилар. Ўғри деган ном тавқи лаънатдек ҳамиша унинг исмига тақалади. Ҳамма тинч, фароғатда яшаса, ўғри доимо хавфда, изтиробда, пана-пастқамда умр кечиради. Унинг ёмонлигидан одамлар нотинч бўладилар.



# Ўғрилик жинояти асосан қуйидаги кўринишда содир этилмоқда:

Хонадон ўғрилиги - асосан яшаш уйларини қаровсиз, очик ҳолатда қолиши, тунда хонадон эгалари томонидан хушёрликни йўқотилиши ёки қўрикчи итларини йўқлиги сабабли содир этилмокда;

Ҳайвон ўғрилиги - хонадон эгалари томонидан уй ҳайвонларини қаровсиз дала майдонларида, томорқаларда қолдирилиши, уй ҳайвонлари турган жойлар деворлар билан ўралмаганлиги сабабли содир этилмоқда;

Транспорт воситасидан содир этилаётган ўғрилик - асосан бозорлар, кўнгилочар жойлар, кўчаларда транспорт воситалзрини қаровсиз, очиқ ҳолатда қолдирилиши ёки кўпчиликни кўз ўнгида катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмларни транспорт воситаларида қолдирилиши натижасида содир этилмоқда;

Киссовурлик - бозорлар, кўнгилочар жойлар, одамлар кўп гавжум жойларда фуқаролар томонидан хамёнлари, кўл юкларига эътиборсизлиги туфайли пул ва қимматбаҳо нарсаларини ўғриланиши кузатилмоқда;

Велосипед ўғрилиги - бозорлар, дўкон, дорихона, масжид, кўнгилочар жойлар, одамлар кўп гавжум жойларда фуқаролар томонидан велосиледларни қаровсиз қолдирилиши натижасида содир этилмоқда.

Дарҳақиқат, ор-номусидан айрилиб, шаънига доғ туширган инсонлар аввалги мартабаси-ю, мавкеини тиклаб олишлари даргумон. Бу уларнинг ҳаётида бир умр қора доғ бўлиб қолади.



# ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **169-моддасида** ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса **3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш** ёхуд **3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

**Қўшимча маълумот:** Ўзбекистонда безорилик, фирибгарлик ва порахўрлик ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошиб кетди.

Шу жумладан, безорилик ҳолатлари сони 2,5 баробарга (2019 йилда 153 та, 2020 йилда 385 та), фирибгарлик (2019 йилда 1 324 та, 2020 йилда 2 712 та), порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар 2 баробарга ошган. Босқинчилик ва ўғирлик жиноятлари ҳам кўпайган.



## Фирибгарлик

Кейинги вақтларда жамиятимизда ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириш, хусусан фирибгарлик жинояти тез-тез содир бўлиб турмоқда. Аждодлари дину диёнат, ахлоқу одоб, ор-номус, ҳалолу покликка одатланган ўзбек халқининг авлодларидан мазкур жиноятга қўл ураётганларнинг учраши ачинарли ҳолдир. Ҳолбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чув тушириш йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган. Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган:

**“Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан еийш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!”** (Бақара сураси, 188-оят).

Фирибгарлик жинояти молни ботил йўл билан еийшнинг бир кўриниши бўлиб, бундай йўл билан топилган мол дўзах оташининг бир бўлаги ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича марҳамат қиладилар:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари бўлмиш Умму Салама розияллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужраларининг олдида жанжал овозини эшитиб, ташқарига чиқдилар ва дедилар: **“Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримда ҳақ талашиб, даъво билан келиб турасизлар. Балки бирингиз бошқангиздан сўзга чечанроқ бўлиб чиқарсиз ва мен уни рост гапиряпти, деб шунга қараб ҳукм чиқараман. Лекин билиб қўйингки, мен кимга бирор мусулмоннинг ҳаққини олиб берган бўлсам, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хоҳлаган уни олсин, хоҳламаган олмасин”** (Имом Бухорий ривояти)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| № | Ҳудуд | Телефон рақам |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси ИИВ | 1102 |
| 2. | Тошкент шаҳар ИИББ | (+99871) 233-49-46 |
| 3. | Тошкент вилояти ИИББ | (+99871) 266-67-22 |
| 4. | Самарқанд вилояти ИИБ | (+99866) 231-11-11,<br>(+99866) 233-11-11 |
| 5. | Сирдарё вилояти ИИБ | (+99867) 235-04-10,<br>(+99867) 235-04-11 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | (+99872) 226-03-02,<br>(+99872) 226-04-34 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 0(436) 229-50-22,<br>0(436) 229-50-23 |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | (+99865) 224-21-03 |
| 9. | Фарғона вилояти ИИБ | (+99873) 244-36-22 |
| 10. | Андижон вилояти ИИБ | (0374) 225-64-59 |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | (0-369) 227-08-80,<br>((0-369) 227-06-60 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | (0-376) 222-04-02,<br>(0-376) 227-37-92 |
| 13. | Қашқадарё вилояти ИИБ | (+99875) 221-88-66,<br>(+99875) 221-66-45 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | (+99862) 226-37-10,<br>(+99862) 226-25-63 |
| 15. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | (+99861) 222-56-11,<br>(+99861) 222-56-76 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ

# ОГОҲЛАНТИРАДИ!

*Диққат “ФИРИБГАР”, мулкингизни ишониб унга топширманг ва унга алданиб қолманг!!!*



Тошкент-2023 йил

# ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Ўзга шахсларнинг мол-мулкини ва мулкка бўлган ҳуқуқларини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни касб қилиб олган "фирибгар" асосан фуқаролардан қуйидаги ҳолларда мулкларини қўлга киритмоқдалар, шу сабабли Сиздан қуйидаги ҳолатларга эътиборингизни қаратишингизни ҳамда фирибгарга алданиб қолмаслигингизни сўраймиз.

## Фирибгарлик жинояти асосан қуйидаги кўринишда содир этилмоқда:

Пул (ҳақ) эвазига ўқишга, ишга (Корея, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларга), муқаддас "Ҳаж" зиёратига жўнатаман деб, алдаб пулини қўлга киритиш йули билан;

Пластик картани нақдлаштириб беришни ваъда қилиб, келишилган пул ва пластик картасини бермаслик йўли билан;

Транспорт воситасини оғзаки келишув билан сотиб олиб, пулини бир қисмини бериб, қолган қисмини маълум вақтда (вариант) беришини айтиб, бошқа шахсларга сотиб юбориш йули билан;

Мол бозорларида чорва ва уй ҳайвонларини сотиб олишга келишиб, пулини бир қисмини бериб, қолган қисмини маълум вақтда беришини айтиб, пулини ва чорва ва уй ҳайвонларини қайтариб бермаслик ва бошқа шахсларга сотиб юбориш йули билан;

"Уй-жой, дўкон, тадбиркорлик қилиш учун шаҳар-туман ҳокимлиги орқали ёки бошқа шахс билан гаплашиб ер олиб бераман, кадастрдан ҳужжатлар тайёрлаб бераман" - деб, алдаб пул олиш йули билан;

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни таклиф қилиб, пул ёки мулкни қўлга киритиш йўли билан;

Электр, газ ва бошқа коммунал хизматлардан бўлган қарздорликни ижобий ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, ушбу идораларда ишламаган ёки собиқ ходимлари томонидан пулларни алдаб қўлга киритиш йули билан.



# Диққат "Фирибгарлик" мулкингизга хушёр бўлинг!

Фирибгарлар билиб туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни бошқа бировга тегишли бўлган моддий қимматликларни қўлга киритиш учун тўқиб чиқаришади.

Мулкнинг эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириб, янглиштиришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширишади.

Фирибгар ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритади. Бунда мулкдор ўз мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алданиши оқибатида фирибгарга бериб қўяди. Ёки унга ушбу мулкни эгаллашга имконият яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорига асосан, фирибгарликда ишончни суистеъмол қилиш деганда эса, айбдорнинг мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкнинг учиничи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Бундай ҳолатга турли хил ҳолатлар, айбдорнинг хизмат мавқейи ёки жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.

Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланади.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168 моддасида Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш— дея изоҳланади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравaридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Қўшимча маълумот:** Ўзбекистонда безорилик, фирибгарлик ва порахўрлик ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошиб кетди.

Шу жумладан, безорилик ҳолатлари сони 2,5 баробарга (2019 йилда 153 та, 2020 йилда 385 та), фирибгарлик (2019 йилда 1 324 та, 2020 йилда 2 712 та), порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар 2 баробарга ошган. Босқинчилик ва ўғрилик жиноятлари ҳам кўпайган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# “ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”



## Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган. Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**ЗЎРАВОНЛИК** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

## Зўравонлик турлари

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **жинсий зўравонлик**
- **жисмоний зўравонлик**
- **иқтисодий зўравонлик**
- **руҳий зўравонлик**



**ТАЗЙИҚ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс.

## ҲИМОЯ ОРДЕРИ

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Тегишли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан **24 соат ичида** ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

## Мурожаат қилинг!



**Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар учун ишонч телефони**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи махфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади. Ишонч телефони орқали олинган ахборотни ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ишонч телефони **1146**

Вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг ишонч телефони **(65) 224-27-62**

Вилоят Ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказининг ишонч телефони **(65) 224-08-58**

Ромитан тумани Хотин-қизлар қўмитасининг ишонч телефони **(65) 552-11-40**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# “ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”

2019 йил 2 сентябрь
ЎРҚ-561-сон